



Адабий кахрамонлар орасида у, шубхасиз, энг колоритли, сирли ва жозибалилардан биридир. Хакикат изловчи, шу йўлда жонини Иблисга сотган толмас кидирувчи хакидаги ривоят Марло, Гёте, Томас Манн ва бошқа кўплаб драматурглар, рассомлар, ёзувчилар ижодига озука бўлган. Аммо хар кандай ривоят сингари, унинг хам жуда реал илдиэлари бор эди. Аник маълумки, доктор Фауст хакикатдан хам XVI асрнинг биринчи ярмида Германияда яшаган. Аникроги — у Вюртембергда яшаган, чунки ўша пайтда ягона Германия давлати дунё сиёсий харитасида мавжуд эмас эди.

Тарихий Фауст Маульбронн якинидаги Книттлингенда тугилган. У яхши насабли дворян сулоласидан чиккан. XVI аср гербовнигида юрист Фаустнинг герби келтирилган: кўк фонда сикилган мушт, калконда эса канотларини ёйган, тож кийган бургут тасвирланган. Маульбронннинг ўзида эса кўп йиллар давомида бутун холда сакланган «Фауст минораси» бўлган, у ерда Фауст илм ва сеҳр билан шугулланган, махаллий ахоли эса бу жойни саёхатчиларга кўрсатишни яхши кўрарди.

Ёшлигида Фауст саргардон талабага айланган. Бу университетда ўқишни ихтиёрий тарзда ташлаб кетган ёки имтихондан ўта олмаган ёшлардан иборат жуда катта тоифа эди. Турли мамлакатларда уларни вагантлар, схоластиклар, школярлар, эрратиклар деб

аташган. Улар саёхат килишган, кўнгил очишган, мусика чалишган, оддий одамлар устида хазил килишган (хар доим ҳам беозор бўлмаган), мўъжизавий эликсирлар сотиш ва касалларни даволаш билан тирикчилик килишган. Саргардон талабалар кўз-кўз килишни яхши кўришар ва ўз билимларини хар томонлама бўрттириб кўрсатишарди. Улар ўзларига гўё «магия салютарис» деб аталган махсус илм маълум, деб мактанишарди. Бу илмни гўё Сатана Венусберг — яъни Венера тоғи қаърида ўргатар экан. Ўша давр ёзувчиларидан бири хатто Венера тоғи Францияда жойлашган, деб ёзган, аммо талабалар у ерга бориб колмаслиги учун кайси шаҳар ёнида эканини айтмаган. Гўё у тоғда мўъжизавий тош бўлиб, устига чиккан одам кўринмас бўлиб колар ва ер остига — тўғридан-тўғри Иблис профессор минбари ортида ўтириб дарс ўтаётган аудиторияга тушиб колар экан. У ерда у тиббиёт, ҳуқуқшунослик ва илоҳиётдан дарс ўтар, аммо тингловчиларга лекцияларини ёзиб олишга руҳсат бермас экан.

Саргардон талабалар каторида Фауст ҳам ўтлар, куқунлар, илдизлар ва дамламалар билан даволаган. У ўзини жуда мохир табиб сифатида кўрсатган. Уни хар доим кора пудель хамрохлик килган. Овозаларга кўра, ит киёфасида Сатананинг ўзи яширинган бўлиб, айнан унинг маслахатлари туфайли Фаустнинг ишлари шунчалик омадли кечган. Яна шундай гаплар хам юрардики, саргардон талабалар мўъжизалар кўрсатар, Венецияда эса Фауст ўзича канот ясаб осмонда учишга уринган, аммо бундай беҳаёлик учун Иблис ундан газабланиб, сал бўлмаса халок килар экан. Фаустга «кора китоб ўқувчи» деган шухрат хам ёпишиб колган, чунки уни кўпинча тушунарсиз белгилар ва формулалар билан тўла кадимги китобларни ўкиб ўтирган холда кўришган.

Кахрамонимиз охир-окибат докторлик даражасига эришганини хисобга олсак, у вақт ўтиб ёшлик енгилтаклигидан воз кечгани ойдин. Аммо тарихий Фаустнинг охири гамгин. Бир куни у кишлок меҳмонхонасига жуда коронгу кайфиятда келган. Бутун кечани тавернада ўтириб, эгасига шундай деган: «Агар кечаси шовкин бўлса, кўркманг». Хакикатдан хам, тун бўйи унинг хонасидан галати товушлар, ёрдам сўраб бакирганга ўхшаш овозлар эшитилган. Эрталаб эса хонадан ҳеч ким чикмаган. Эшикни бузиб очишганда, Фаустнинг бўйни кайрилган холда ўлик ётгани аниқланган. Айтишларича, унинг ёнидан ўзи ёзган ҳаёт тарихи хам топилган, факат охири етишмас эди. Бу охирини кейинчалик докторнинг шогирдлари ёзиб кўйишган. Аслида нима бўлганини биз эҳтимол ҳеч қачон билмаймиз. Бир нарса аниқ: доктор Фауст зўравон ўлим билан вафот этган.

Мана, хакикий Фауст хакида маълум бўлгани шу, холос. Аммо олим хакидаги ривоят огиздан-огизга ўтиб, турли кўшимчалар билан бойиб борган. 1587 йилда эса Франкфурт-на-Майне шаҳрида Шпис исмли кимса ўша даврга хос жуда узун сарлавхали китобни нашр этган: «Машхур жодугар ва кора китобчи доктор Иоганн Фауст хакида хикоя, у маълум муддатга жонини Иблисга қандай сотгани, шу вақт ичида нима кўргани ва нима ишлар килгани, то охирида муносиб жазосини олғунига қадар. Унинг колдирган ёзувлари асосида, барча такаббур, маккор донолик килувчи ва худосиз одамларга кўркинчли ва ибратли намуна бўлсин учун тузилган».

Бу версияга кўра, Фауст дехкон ўғли бўлиб, Веймар яқинидаги Роде шаҳарчасида тугилган. Вюртембергда унинг бой кариндоши бўлиб, уни ўз ҳузурига олган ва илоҳиёт ўқиш учун мактабга берган. Ёш Фауст жуда иқтидорли ва тиришқок ўқувчи бўлиб чиқади:

битирув имтихонини муваффакиятли топшириб, 17 нафар синфдоши орасида энг яхшиси деб топилади. Фауст эрта такаббурланиб, кибри сабаб Инжилни четга суради. Ёмон жамиятга тушиб қолиб, оккультизмларга кизиқиб кетади ва Краков университетига йўл олади; у пайтда Краков университети оккультизм фанлар маркази хисобланган. Фауст астролог, математик, илоҳиётчи бўлади. Аммо у канча кўп билса, олдидан шунча кўп янги сирлар очилар, уларни очиб беришга эса ҳеч ким ёрдам беролмасди. Кун-туни китоблар устида ўтирар, чуқур ўйлар, аммо олам хақиқати унга очилмас эди. Ва ниҳоят, унда Иблис ёрдамига мурожаат қилиш васвасаси пайдо бўлади.

Коронгу тунда Фауст Вюртемберг яқинидаги калин ўрмонга боради. У тўрт томонга йўллар таркалган чорраҳада туриб, бўр билан бир нечта доира чизади. Сўнг сеҳрли дуо ўқийди. Иблис чакирикни эшитади, аммо биринчи чакирикка келмасликка қарор қилади. Аввало у жодугарни кўрқитиб, масҳара қилиш учун кичик томоша уюштиради. Кутилмаганда бўрон кўтарилади, чакмоқлар чакнайди, гулдураш остида қиёқ-қиёқ қулиб турган шайтонлар тўдаси пайдо бўлади. Бўр доира яқинида қулоқни қоматга келтирадиган ўқ товуши янграйди, ёруғлик чакнайди ва сеҳрли мусика эшитилади. Кўринмас кўшиқчилар кўшиқ айтади, ҳаво махлуқлари рақсга тушади, коронгуликтан найза ва қиличли жангчилар чиқади. Фауст кўркади, аммо ниятидан қайтмай, иккинчи — қучлироқ дуони ўқийди. Энди қаердандир аждар пайдо бўлиб, доиралар устида айлана бошлайди. Шунда Фауст учинчи дуони ўқийди. Аждар аччиқ инграйди, шу заҳоти катта юлдуз ерга қулаб, оловли шарга айланади. Ҳар қандай ақли жойида одам қочган бўларди, аммо Фауст дуони яна такрорлайди. Осмондан олов оқими тушиб, қаердандир ер қаърига гойиб бўлади, олти ёруғ нукта ёниб, кутилмаганда оловдан ясалган одамга айланади. У одам аввал Фауст атрофида жим айланади, кейин оксоқол роҳиб қиёфасини олиб, бўғик овозда сўрайди: «Мендан нима истайсан?» «Тунда ўн иккида уйимга кел», — деб жавоб беради Фауст. Чакирилган рух рози бўлади.

Ярим тунда у Фаустнинг шаҳар квартирасига келиб, олимни тинглайди. Иоганн ҳаёти давомида Иблис унга хизмат қилиб, у истаган барча сирларни очиб бериши эвазига, ўлимидан кейин жонини беришни таклиф қилади. Рух эса бу шартларни қабул қилиш ўз ихтиёрида эмаслигини, аввало ўз хожасига мурожаат қилиши кераклигини айтади.

Кейинги тунда рух яна келиб, Люцифер Фауст таклифини қабул қилишга рухсат берганини айтади. Фауст қуйидаги шартларни қўяди: 1) Фауст рухнинг чакконлиги, қиёфаси ва образини олади; 2) рух Фауст истаган барча ишларни қилади; 3) рух Фаустга қулдек бўйсунди; 4) Фауст истаган ҳар қандай вақтда рух унинг хонасида пайдо бўлади; 5) уйда рух бошқаларга кўринмас бўлади; 6) рух Фауст истаган қиёфада намоён бўлади.

Рух эса ўз навбатида қуйидаги шартларни қўяди: 1) 24 йил ўтгач, Фауст ўзини Иблис ихтиёрига топширади; 2) буни тасдиқлаш учун Фауст қони билан тилхат ёзади; 3) Фауст Масехдан воз кечади; 4) христианликнинг душманига айланади; 5) такводор одамлардан узок юради ва Иблисдан қайтаришларига йўл қўймайди. Бунга жавобан Фауст истаган барча нарсаларга эга бўлади ва ўзини рух хусусиятларига эгадай ҳис қила бошлайди.

«Сенинг исминг нима?» — деб сўрайди Фауст. Жавоб келади: «Мефистофель».

Фауст шайтоний шартларни қабул қилиб, пичок билан қонини чиқаради, уни идишга йигиб оловга қўяди. Кейин мажбурият ҳужжатини тузади, унинг нусхаси Фауст ўлиmidан кейин унинг яраланган жасади ёнидан топилган.

Шартнома имзолангандан кейинги илк йилларда Фауст бутунлай илмга берилади. У Вюртембергда шогирди Вагнер билан яшайди, у ҳам сеҳргар эди. Иблис унга осмон ва ер сирларини очиб беради. Мефистофель Фаустга францискан роҳиби киёфасида, қўнғирокча билан қўриниб турарди. У Фаустни епископлар ва ҳукмдорлар оморларидан қимматбаҳо виноларни ўғирлаб, энг яхши таом ва ичимликлар билан таъминлар, қийим-кечак ва пул билан таъминларди.

Бир муддат ўтиб, Фауст уйланишни хоҳлайди. Мефистофель уни бу фикрдан қайтаришга уринади, аммо Фауст қатъий туради. Шунда Сатананинг ўзи шундай дахшатли киёфада пайдо бўладики, Фауст қўрқиб қочади. Аммо гайритабиий қуч уни ерга уриб, олов авж олган уйга қайтариб ташлайди. Қўрққан Фауст уйланиш ниятидан воз кечади, шунда олов сўнади. Кейин эса Сатана Фаустни «оилавий уя» орзусидан қайтаришининг янада ёқимли усулини топади: унга гўзал аёллар ва фоҳишаларни юбориб туради. Ишқий айшу ишрат Фаустга ёқиб қолади ва у эндиликда уйланиш хақида оғиз очмайди.

Ер ва осмон сирларини билиб олгач, Фауст Мефистофелдан дўзах хақида сўрай бошлайди. Мефистофель истамайгина тушунтиради: «Дўзах — туганмас қиш, олов, аъзоларнинг титраши. У ерда азобланаётган одамлар агар азоб тугашига озгина бўлса ҳам умид берилса, ҳар қуни бир томчидан сув ташиб, бутун денгизни қуритган бўларди». Бу жавоб Фаустни қониктирмайди ва у дўзахни ўз қўзи билан қўришни хоҳлайди. Бир кеча унинг ойнасига қреслоси бор улкан қурт киёфасида Вельзевул ўқиб келади. Фауст устига чиқиб, олов отиб турган улкан тоғ томон йўл олади. Улар оловли оғиздан ўқиб қиришади, кейин яна ўқта қурт пайдо бўлиб, Фаустни химоя қилади. Бир муддат барчаси яхши кечади, аммо қаердандир қиккан қутурган бука Фаустни қреслодан ўриб туширади ва у жарликка қулади. Аввал уни қари маймун илиб олади, кейин эса аждар уни тортиб олиб, сув гирдобига ташлайди. У ерда Фауст ўқувчи қалтакесак қўшилган аробадан ўқиб чиқиб, оловли жар устидаги қояга қулади. Рухлар уни ташлаб қетди, деб ўйлаган умидсиз Фауст: «Эй рухлар, муносиб қурбонни қабул қилинг!» — деб ўзини оловга отмоқчи бўлади. Бирданига у дарё соҳилида пайдо бўлади, у ерда подшоҳлар ва князлар олов билан сув орасида тинмай югуришар, маҳкум этилган қонлар қарсон қуради.

Эртаси қуни Фауст ўз ўида, тўшагида ўйғонади; у қостдан ҳам дўзахда бўлдими ёқи қаммаси туш эдимикан, тушуна олмайди.

Шартнома амал қилишининг ўн олтинчи йилида Фауст бутун дунёни айланиб қикишни истади. Мефистофель унга қавода ўқадиган сеҳрли от беради. Фауст Римда папа ҳузурида бўлади, олий қерқов амалдорларининг оққўзлиги ва фосиклигидан дахшатга тушади ва Туркияда султон олдига ўқиб боради; у ерда Муҳаммад пайқамбар киёфасида олти қун ҳукмдор аёллари билан қаремда бўлади. Қузи ороли устида ўқиб ўтар экан, у ерда алоҳида ёругликни қўриб, яқиндан қўришни истади. Аммо Мефистофель бу ер қаннат эканини ва Фауст ўқун йўл ёпиклигини айтади.

Доктор Фаустнинг бошидан яна кўп саргузаштлар ўтади. Ёш шогирдлар ва талабалар унга ёпирилар, у эса уларни кўпроқ ўқитмасдан, кўнгил очар, меҳмон киларди. Ўзи эса бутун бир гарем тузади, унинг гавхари Троя уруши сабабчиси бўлган гўзал Елена эди. У Фаустга ўгил тугиб беради.

Хаммаси яхши бўлар эди, агар Иблис билан ҳисоб-китоб вақти яқинлашиб келмаганда. Фауст гамгин бўлиб, тушкунликка тушади, ер юзи лаззатлари уни огир ўйлардан чалгита олмайди.

Фожиали кун арафасида у барча шогирдлари билан хайрлашади. Тунда унинг хонасидан дахшатли кичкириклар эшитилади, гўё уйни бўрон босгандек бўлади. Хаммани шундай кўркув босадик, ҳеч ким бечора докторга ёрдам беришга журъат этмайди. Эрталаб хонага киришганда эса шафкатсиз кураш излари кўринади: синган жихозлар, кон ва мия билан сочилиб кетган деворлар, уларга илиниб қолган соч парчалари. Фаустнинг жасади дахшатли ҳолда ярадор эди. Ёнида эса Иблис билан тузилган шартноманинг нусхаси ва ҳаёти хакидаги тугалланмаган тарих ётарди.

В. Ермаков материаллари асосида

Абу Муслим (профессор) тайёрлади